



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: info@xs.uz

2007 йил 15 март, № 52 (4205)

Пайшанба

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 март куни Оқсаройда Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шавкат Азизни қабул қилди.



— Сизнинг ушбу ташрифингизга Ўзбекистон-Покистон муносабатлари ривожланиб бораётганининг яна бир белгиси сифатида қараймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари неча асрлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар янги мазмун касб этди. Тошкент билан Исломобод ўртасида мустақам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш имкониятларини очди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

Дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани инobatта олинса, Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жануви йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига тугатувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидagi нефть-газ конларини қидириш ва ўрганишга ҳидий қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исломободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига катта қизиқиш билан қаралади. Бу Покистон товарларининг (пластмаска буюмлар, чарм ва картондан ياسалган махсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига қириб боришига ҳам хизмат қилган бўлар эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмининг (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, кабель, минерал ўғитлар, галла, қишлоқ ҳўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлатлар орқали сотиб олади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки ҳисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини

ташкил қилди. Эрон бандгарҳўлари орқали Покистонга юборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча қарра ортди. Шуларни инobatта олиб, икки мамлакат Президентлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини тақомиллаштиришга келишди олган эдилар. Яқинда Исломободда комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи асосида эса икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди.

Покистонда Ўзбекистон пахта ва ипагига, юртимизда давом этаётган ҳусуоилаштириш жараёнига қизиқиш катта. Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, тўқима-чилик, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда қўшма корхоналарни қўлгайтириш мўмкин. Ўзаро савдо-сотик ва

сармовявий ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Тошкентда Покистон Миллий банкининг филиалини очиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистондаги мавжуд қўлай сармовявий мўжит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармовяси иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият қўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллион АҚШ долларига етади.

Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадagi алоқаларни мустақамлаш учун яқин омил бўлмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида, жумладан, ҳар икки йилда Самарқандда бўладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида, илмий-маърифий анжуман-

ларда қатнашиб келмоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, қўлёмаларни тадқиқ этмоқдалар. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Умуман, маданий ва илмий доираларини, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари кўп. Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида барча соҳалар, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илгор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизими яратиш мақсадида:

1. Ҳўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдориди, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинмайдиган солиқ базасини ка-

майитириш ҳуқуқи берилсин.

2. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилсин.

3. Солиққа тортишини соддалаштирилган тартиб қўланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қайтаришга ҳўлди солиқ имтиёзлари жорий этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан беш йил навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўланилади;

технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан беш йил ичида солиқ юборилган ёки текинга берилган бўлса, юқорида қайд этилган солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқлар ва боғжона тўловлари тўлаш бўйича мажбурийтлар тикланади.

5. Белгилансинки, 2007 йил 1 апрелдан бошлаб олиб қилинган янги технологик жиҳозларга қўшимчилик кўзда тутилган боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат боғжона қўмитаси томонидан тақдирланадиган технологик жиҳозлар рўйхатига мувофиқ қўланилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйиладиган фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Бредихин Александр
Ахметов Анавар Мухитдинович — «Олмалик кон-металлургия комбинатининг автомобиль транспорти бошқармаси бошлиғи»

Золотарев Юрий Петрович — «Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси директорининг фосфорит ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари»

Иргашев Таир Асатович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пулат эритиш цехи катта устаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Эшанкулов Абдушукр Фағурович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти «Олмаликметаллургикурилиш» бошқармасининг участка бошлиғи

Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, республикамиз кон-металлургия саноатида илгор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, фазилатларини намоян этганликлари ҳамда миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустақамлашдаги ибратли фаолияти учун қўйиладиган мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Авезов Наримон Назарович — «Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг 39-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи»

Алиматов Омонбек Давронбекович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг

1-навли прокат цехи катта устаси

Ахметов Анавар Мухитдинович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг металлургия цехи эритувчиси

Иманов Собирали Холматович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг «Қолмақир» кон бошқармаси кон устаси

Пятков Владимир Владимирович — «Навоий кон-металлургия комбинатининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси монтажчиси

Рахимов Гаухарбек — «Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бошқармаси бош муҳандиси

«Дўстлик» ордени билан

Байрамов Куджат Сеферович — «Навоий кон-металлургия комбинатининг «Мурунгов» кони бургулаш участкаси машинисти

Джурев Бахтиёр Данакулович — «Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бошқармаси монтажчиси

Коробов Юрий Валентинович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти тёмир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти

Ремонтов Александр Михайлович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика таъмирлаш цехи пулат эритувчиси

Сейтмететов Аппаз Сеидаметович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бош энергетиги

Штеер Виктор Кондратьевич — «Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводининг 8-цех бошлиғи

«Шухрат» медали билан

Агзамов Акрамхон Турсунходжаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати»

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 март

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон — Покистон:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар асосида изчил ривожланмоқда. Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ушбу ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат етакчи иқтисодиёт идоралари вакиллари иштирок этди.

Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йилнинг март ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлашда муҳим омил бўлди. Президентимизнинг ташрифи якуналарига кўра икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзоланган эди. Шунингдек, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга доир, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, кичик бизнес ва ҳусуоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, ташқи савдо ҳамда банк-молия фаолияти бўйича қатор битимлар имзоланган эди. Яқинда Исломободда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Покистон Савдо-иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги бўйича ҳўкуматлараро комиссиянинг навбатдаги йўналишида ушбу ҳўжатлар ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.

Тошкентдаги музокараларда Ўзбекистон катта экспорт салоҳиятига эга экани таъкидланди. Жаҳон бозоридида ўзбек пахтаси, ипаги, қишлоқ ҳўжалик махсулотлари, минерал ўғитлар, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори технологияли ускуналар, автомобиллар, транспорт ҳамда

йўловчи ташувчи самолётларга талаб тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг самараларидандир. Ўзбекистондаги мавжуд қўшимчилик биоанан хорижий тадбиркорларнинг ҳўкуматини ҳўмоя қилиш кафолатланган. Шу боис иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий сармовя ҳамми йил сайин ортиб бормоқда. Покистон ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорлик қўлами кенгаймоқда. Улар иштирокида қирққа яқин қўшма корхона ташкил этилган.

Музокаралар давомида савдо ва энергетика, янги транспорт коммуникацияларини яратиш, тўқима-чилик ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Покистон ишбилармон доиралари вакиллари нефть-газ, таълим, маданият ва туризм соҳасида ҳамкорликдан, ўзбек пахтаси ва ипагини харид қилиш ҳажминини оширишдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга қўшимчилик қилиш бўйича Тошкентда Покистон миллий банки филиалини очиш режа-

лаштирилмоқда. Бундан ташқари, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита фаолияти доирасида илмий-техника алоқалари кенгаймоқда. Ушбу йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш билан бир қаторда Осиё минтақасида хавфсизликни мустақамлаш, шунингдек, халқаро террорчилик таҳдидларининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон Бош вазирлари иштирокида ўтган икки давлат ишбилармон доиралари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳўкуий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳўкуматлараро шартнома, Транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳўкуматлараро битим, Тошкент ислом университети ва Исломобод халқаро ислом университети ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Карчи шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасида янгилашув меморандумлари имзоланди.

Мамлакат қишлоқ ҳўжалигида пухта йўлаб амалга оширилаётган аниқ мақсади иқтисодий ислохотлар натижасида сўнгги йилларда катта таркибий ўзгаришлар юз берди. Экин ерлари фермерларга узоқ муддатга ижарага берилиб, бунинг натижасида фермер ҳўжаликлари қишлоқ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қўнунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмиталари биргаликда «Фермерликни ривожлантириш — қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини оширишнинг муҳим омили» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар.

Мамлакат қишлоқ ҳўжалигида пухта йўлаб амалга оширилаётган аниқ мақсади иқтисодий ислохотлар натижасида сўнгги йилларда катта таркибий ўзгаришлар юз берди. Экин ерлари фермерларга узоқ муддатга ижарага берилиб, бунинг натижасида фермер ҳўжаликлари қишлоқ

(Давоми 2-бетда).

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Спорт

Артур — зўрлар ичра зўр

Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилаётган ҳамюртларимизни ҳар қанча қадрласак арзийди.



ган натижалар мақтовга лойиқ.

Эсингизда бўлса, бир неча йилдан буён Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда энг яхши натижага эришган спортчиларимиз Ўзбекистон миллий кубоги ва махсус мукофот билан тақдирлана келинади.

Агар ўтган 2006 йил янвраларига эътибор берадиган бўлсак, бу борада эркин курашчиимиз, Олимпиада чемпиони Артур Таймазов эриш-

ган натижалар мақтовга лойиқ. — Артур якунланган йилда ўтказилган қатор йирик турнирларда шохсупанинг юқори поғонасида жой олди, — деди «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон Миллий кубогини бериш бўйича республика комиссияси йиғилишида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Қутибаев. — Хитойда ўтказилган жаҳон чемпионати ва Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган XV Осиё ўйинларида Артурга тенг келадигани топилмади.

Комиссия ўн нафар номзод ичидан «Йилнинг энг яхши спортчиси» Миллий кубогини Артур Таймазовга беришга таклифини маъқуллади.

Зибудулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўсмирларнинг чиниқуш кўриғи

Жиззах Олимпия заҳиралари коллежиде энгил атлетика бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган беллашувларда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган 200 нафарга яқин спортчи қатнашди.

Югуриш (60 метр, 200 метр), узунликка сакраш, уч хатлаб сакраш мусобақаларида Тошкент шаҳрининг 1-жамоаси рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмасдан ғолиб чиқди. Улар эстафета (4x200 метр) мусобақаларида ҳам чемпион бўлишди.

Анджон ҳамда Тошкент вилоятлари вакилларидан тўрт нафардан спортчи биринчилик ғолиблари сафидан ўрин олишди.



Томошабинлар майдон эгалари сафидан бирорта чемпион чиқмаганлигидан афсусланишган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ўсмирларининг биринчилик келмаганликлари мусобақа ташкилотчиларини ранжитди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наврўз нафаси



Ҳадислардан ҳикоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бир пиёла сумалак тортиқ этишганида, ундан бир ялам татиб кўриб: «Бу қандай таом?» деб сўраган эканлар. Одамлар: «Бу — Наврўз кунини пиширилдиган сумалак», деб жавоб беришди. Сумалакнинг мазасидан роҳатланган пайғамбар: «Таоми шунақа бўлса, илоҳи, ҳар кунини Наврўз бўлсин!» дебдилар.

СУМАЛАК — ЭҲСОН ПИЛОМ

Бир неча йиллар аввал устоз адабиётшунос олимлардан бири Ҳамиджон Ҳамидовнинг ҳовлиларига бир иш билан борганимда, сумалак билан меҳмон қилишди. Гапдан гап чиқиб, ҳар йили Наврўзда 10 кило бугдойдан сумалак тайёрлаб, маҳалла-қўйга тарқатишларини айтиб қолдилар. Мен қувондим ва бу ҳар бир ҳами-ятли мўмин учун ўрнатилган тадбир эканлигини кўнглимга тугиб қўйдим.

Кўп қаватли уйга кўчиб борганимизда янги кўни-қўшнлар ҳали бир-бирини яхши танимас эди. Наврўз айёмлари энди бошланган деб турган кезлари биринчи қаватда турадиган 70-75 ёшлар оралиғидаги рус кам-пир эшикни тақиллаб келиб, бир пиёла сумалак бериб кетди. Биз аввалига у пиширган сумалакка ишонқирамайроқ, беписандроқ қарагандек бўлдик. Бироқ, янглишган эканмиз, сумалак газ плитада пиширилган бўлса-да, оби-тобида, ранг-рўйи ҳам жойида эди. Қизғини, шундаки, кейинчалик яқин қўшничилиги муносабатларида бўлиб билсак, бу онахон ўзбек тилида айрим миллат-дошларимиздан ҳам яхшироқ гапирар экан. Бунинг сабаби — у пойтахт марказидаги маҳаллалардан бирида яшаган ва элик йил мобайли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Янада аён бўлишича, келиб чиқиши жиҳатидан биз ўйлагандек ўрис эмас, балки поляк миллатига мансуб экан. Ҳар йили элдан бурун бир қозон сумалак пишириб,

лар эди. Байрам харажатларининг маълум қисми маҳаллий ҳокимият томонидан ё масаллик тарихида ёки пул воситасида қолларди. Қолган қисмини эса маҳалла фаоллари ташкилотчилигида маҳалла аҳли ихтиёрий равишда жамғарарди. Сумалакни

банк, кимдир ҳатто тоғора-ю челақча кўтариб чиқарди. Қозон бошидаги аёллар сумалакни тенг улаштиришга келишиб олишарди. Зўкко, кўпни кўрган, кўзи тўқ, нуруний онахонлар «Ҳеч кимни ноумид қайтарманглар, бир яламдан бўлса ҳам, ҳамма-



ларимиз жой ҳам, миллат ҳам танламас экан.

Сумалакни маҳаллада ва ундан-да кенгроқ миқёсларда, умумхалқ байрами кўри-нишида тайёрлаш ҳамда им-кон қадар кўпчиликка тарқатишнинг гаши янада бошқа-ча, савоби улурроқ, албатта. Кўп қаватли уйлар асосидаги маҳаллада турганимизда ҳар йили 400-500 кишилик Наврўз базмларини ташкил этар эдик. Сумалак уйлар орали-ғидаги майдонда пиширилган, базм эса маҳалла ҳудудида-ги мактаб ҳовлисида ўткази-

нинг оғзи тегсин», — дея раҳ-намолик қилиб туришарди. Улкан қозондаги сумалак уни пиширишда қатнашган-қат-нашмаган, миллати, ёши, та-бақа-ю тоифасидан қатъи на-зар, расамади билан тенг эҳсон этиларди.

Узоқ йили Наврўз кунлари олис вилоятдаги бир қишлоққа боришга тўғри келди. Қишлоқнинг бир кўчасида Наврўз базми бўлаётган, халойиқ жамулжам, дастурхон-га ош ва сумалаклар тортил-ган, созанда-ю бозандалар-нинг куй, ашула, рақслари ав-



жада экан. Байрамни қандай ташкил этишгани ҳақида оқсоқолни сўхбатга тортидим. У соддагина қилиб: «Хонадон-лар бир ярим минг сўмдан тўплашди, йиғилган маблагдан ош билан сумалакни ҳам, эл дастурхонини ҳам қопладик, баъзи ҳимматли хамқишлоқ-лар масалликдан ёрдам қил-дилар», деди. Маълум бўли-шича, хизматдаги санъаткор-лар ҳам шу қишлоқнинг тур-ди-битди созандалари экан.

Ҳа, маҳалла аҳли бошини бир ерга қовуштириб, умум-халқ Наврўз шодийенасини ташкил этишнинг савобиға нима етсин! Шу ўринда бир нарсани ўйлаб қолдим. Бозор муҳтида ҳам сумалакнинг хайр-эҳсон таомлиги унутил-маса, яхши бўларди. Аввал-лари сумалак бозорда сотил-масди. Тўғри, маҳалласида сумалак кўрмаганлар бозор-дан сотиб олиб бўлса ҳам ейди. Лекин, умумхалқ сумалак сайли хурсандчилигининг ҳар бир хонадонга кириб бо-риши катта маънавий-маъри-фий, мафкуравий, ахлоқий аҳамиятга эга.

Сумалак сузиб тарқатилди.

Наврўз базми ҳам тугаб, одамлар уй-уйларига тарқаб кетдилар. Аммо, шу билан тадбир тугади, удум якунлан-ди, деб бўлмайди. Энг савоб-талаб вазифа ҳали олдинда. Бу — сумалак пиширилган қозонни ювиш. Бир маҳалла-да бу ювишнинг иккуниси ол-диндан тайин. Ҳаттоки, бу ва-зифа маҳалла келинчақлари орасида талаш. Негаки, улар: «Ким сумалак пиширилган қозонни ювса, Худо орзу-ти-лағига етказди, ўғил армон бўлса — қиз беради», — де-ган ниятини маҳкам уюштирган. Сумалак қозонини ювишнинг савоби шу қадар улғу ҳисоб-ланади, халқда. Чунки, бу қозон бутун халқни боқди, унга халқнинг дуоси тегди. Бу дуонинг савоби қозон ювган-ларга насиб этади. Ҳақиқатан ҳам, олдинги йиллар тала-шиб-тортишиб қозон ювган келинчақлардан бири орзу-ниятига эришди — ўғил кўрди. Бу ҳодиса маҳалладаш келин-чақларни эҳсон таомининг хо-сиятига янада кўпроқ ишон-тирди. Улар кейинги йиллар учун ҳам навбат олиб қўя бошладилар.

Азизлар, Наврўз байрами ва сумалак сайлларини иб-ратли маҳаллалардагидек ташкилий равишда, қизгин умум-халқ байрами сифатида ўтказиш фақат бугуннинг иши эмас, балки баркамол авлод келажаги пойдеворидир. Зўр ташкилотчилик билан ўтказиладиган бундай удуларимиз келажақ наслларга амалиёт орқали ўтказилди. Ёшлар бе-восита ўзлари иштирок этиб, урф-удунининг ҳар босқичи-ни ўз кўзлари билан кўриб, қўллари билан бажариб, он-ли равишда ўлаштирадиганлар. Маънавиятда авлодларара узилиш бўлмайди. Бунда ҳикмат катта. Сўзни Навоий ду-олари билан ниҳоялайимиз:

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг Наврўз ўлсун. Нусратулло ЖУМАЎЖА.

Немис рассоми асарлари кўргазмаси. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида немис рассоми Герхард Рихтер асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма Германиянинг мамла-катимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, мазкур давлат ҳақида кўпроқ маълумот олишимизга ёрдам беради.

«MUNICIPAL AUKSION MARKAZI» сизларни 2007 йил 17, 24 апрель ва 1, 8, 15, 22, 29 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдоларига банкрот деб эътироф этилган Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчасида жойлашган, умумий майдони 12 гектарни ташкил этган, У.Юсупов номли ОАЖ консерва заводи бино ва иншоотлари қўйилади.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD. ADI International Panasonic. Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

UZBEK PRODUCTION. ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ. Марказий Осиёдаги энг йирик пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи. Қўйидагиларни сақлаш ва ташини учун мўлжалланган: «Озик-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт), «Агрессив моддалар: (кислоталар, миқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Российский Обои линолеум ВИНИЛОВЫЕ. Форма оплаты — любая Товар сертифицирован тел. 134-48-11 303-38-77 факс 134-49-58

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси ва Аналитик назоратга ихти-сослашган Давлат инспек-цияси жамоалари инспек-ция бўлим бошлиғи Зулфия Сулаймонова онаси ЗАКОНА аянинг вафот этганлиги муносаба-ти билан ҳамдарлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Т-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — С. Дошберов. Мусаххих — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 21.45 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5